

Ушбу сонда:

янги, обод ва файзли

дунё савдогарлар билан обод

тунги шарпалар



Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

АДОЛАТ

Инсон манфаатлари — олий қадрият

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ИЖТИМОЙ-СИЁСII ГАЗЕТАСИ

● ГАЗЕТА ҲАФТАНИНГ ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. ● СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА ● 2005 йил 16 сентябрь ● № 38 (534)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларга ижтимоий маддани кучайтириш мақсадида:

1. 2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлари талабаларининг, ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртлари ўқувчиларининг стипендиялари ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилсин.

2. 2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам: иш ҳақи — ойига 9400 сўм; ёшга доир пенсиялар — ойига 18605 сўм; ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 9400 сўм;

болалиқдан ногиронларга берилган нафақа — ойига 18605 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 11270 сўм миқдорига белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшилидиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза

қилиш вазирлиги вазирликлари, идоралари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджетини ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Ҳўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ ишлаб чиқариш самарадорлиги оширилган ва меҳнат сарфи камайtirилган тақдирда иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 13 апрелдаги ПФ-3596-сон Фармони (4-бунди истисно қилинган ҳолда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

9. Мазкур Фармон матбуотда эълон қилинсин.

И. КАРИМОВ

«Пахта — 2005»



ҲАЛОЛ МЕҲНАТ САМАРАСИ

Пойтахт вилоятининг Бекобод тумани жорий йилда пахтачиликда кўпчиликлари ўрнак бўлиб келаётган. Айни кунларда пахтакорларнинг қўли-қўлига тегмайди. Экин майдонларида етиштирилган «оқ олтин» ҳосилини ёғин-сочинчи кунларга қолмасдан йиғиштириб олишга ҳаракат қилишмоқда. Туман пахтакорлари жорий йилда 40 минг 630 тонналик улкан хирмон бунёд этишни ўз олдидан мақсад қилиб қўйишган.

«Авангард» фермерлар уюшмасига қарашли «Эргашбой ўғли Абдусалом» фермер ҳўжалиги ҳам бу йил 62,5 тонна пахтани тез кунларда йиғиштириб олишга бел боғлаган. Фермер ҳўжалиги далаларидаги ҳосил қўғини чамалаган кишининг кўзи қувнайди. Бу йил мобайнида кечаю-кундуз қилинган меҳнат ва ғўзалар парвариши агротехника талаблари асосида олиб борилганлигининг самарасидир.

— Мен кунига 100 килодан ортқ пахта теряпман, — дейди илгор теримчи Наргиза Эргашева. — Фермер ҳўжалигига аъзо бўлганимиздан бери турмушимиз кундан-кунга яхшиланиб борапти. Хар кун терган пахтамиз учун пайкал бошида ҳақ тўланаётгани ишимиз суръатини оширапти.

Дарвоқе, туман пахта майдонларида каттаю-кичик зўр бериб меҳнат қилмоқда. Уларнинг хар бири мамлакатимиз улкан хирмонидаги муносиб улуш қўйиш ниятида эканлиги кишини қувонтиради.

Суратда: илгор теримчи Наргиза Эргашева. Ҳусанбой АБВАЛОВ олган сурат

Муносабат

судларининг ташкил этилиши ҳўжалик субъектлари ўртасидаги низоларни давлат иштирокисиз ҳал қилиш имкониятини яратди. Президентнинг «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони асо-

биркорлик субъектларидан давлат солиқ хизмати ва статистика органлари белгиланган молиявий ҳамда статистик ҳисоботларга қўшимча равишда хар қандай маълумотлар, маълумотнома ва ҳужжатларни талаб қилиши тақиқланди.

«Тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик соҳасидаги

Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги интеграция жараёнини ривожлантирувчи муҳим омил бу, аввало, минтақа мамлакатларининг маданий, тарихий жиҳатдан ўзаро яқинлигидир. Марказий Осиё давлатларининг икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларини ривожлантиришга ундаб келадиган сабаблардан яна бири минтақадаги гидроэнергетик ресурсларнинг тарқалишидир. Зотан, мавжуд дарёлар ўзани бир давлат ҳудудида бўлса, ирмоқлари бошқа давлатлар ҳудудида. Қолаверса, бу давлатларнинг барчасида миллий озиқликни ташкил этувчи муайян миллиятларга мансуб аҳоли яшаб келади. Хуллас, шу сингари омилларни Марказий Осиё мамлакатларида иқтисодий интеграциянинг шаклланиши ва ривожланишининг етакчи воситалари сифатида эътироф этиш мумкин.

Бизнингча, Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий интеграцияга киришишида икки асосий босқич кўзга ташланади. Биринчиси, 1991 йил охиридан 1994 йил июлигача бўлган давр. Бу даврда минтақа давлатлари ўзаро яқинлашиш ҳаракатларини мувофиқлаштира бошлади. 1994 йил январда Қозғистон ва Ўзбекистон ягона иқтисодий макон яратиш тўғрисида шартнома имзолади. Орадан уч ой ўтгач, бу шартномага Қирғизистон қўшилди. 1994 йил 30 апрелда Чўлпон-Ота (Қир-

Хорижда тўп сураётган ўзбекистонлик футболчилар орасида Максим Шацких энг омидлиси ва машҳури ҳисобланади. Ҳамюртимиз Украинанинг номдор жамоаси — Киевнинг «Динамо» клубида асосий ҳужумчи саналади.

М. ШАЦКИХ:

«ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ҲИНАЙМАН»

Украина чемпионати билан бирга Европа чемпионат лигасида ҳам жуда ишончли тўп сураётган М.Шацких «гранд» жамоалар дарвозасига киритган бири-биридан

чиroyли голлари билан кўпга футбол мухлислари-ю мутахассисларининг эътиборини қозонган.

(Давоми 4-бетда)

Мулоҳаза

Марказий Осиёдаги геосиёсий жараёнларнинг бошланиши, шубҳасиз, XX асрнинг 90-йилларида юз берган ўзгаришлар, чунончи, собиқ иттифоқнинг парчаланиши тўғрисида бу ҳудудда янги мустақил давлатларнинг юзага келиши билан боғлиқдир.

МИНТАҚАВИЙ ИНТЕГРАЦИЯ— ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

ғизистон)да Қозғистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон давлат раҳбарлари ягона иқтисодий макон яратиш тўғрисидаги шартномага имзо чекдилар. Натижада Давлатлараро Кенгаш, Бош вазирлар, Таъкишлар вазирлари, Мудофаа вазирлари Кенгашлари ташкил этилди, Марказий Осиё Ҳамкорлик ва Таракқиёт банки тuzилиб, иштирокчи давлатлар иқтисодий интеграциянинг 1995-2000 йилларга мўлжалланган дастури қабул қилинди. Пировадидда Қозғистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон республикалари Давлатлараро Кенгаши интеграция жараёни ривожланишининг муҳим дастагига айланди. Минтақа давлатларининг ўзаро яқинлашувида

иккинчи босқич 1994 йил июлдан бошланди. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Алмати саммитида «Марказий Осиё иттифоқи»нинг тuzилгани эълон қилинди. Минтақада умумий аҳолиси 55 миллионга яқин улкан ҳудуд ҳамда салмоқли ресурс салоҳиятига эга интеграция асоси юзага келтирилди. Бунга ўзининг бетарафлик мавқеида турган Туркменистон ва ўша пайтда фуқаролар уруши гирдобидидаги Тожикистон кирмади.

Кейинги йилларда уч давлат ўртасида ўзаро интеграция жараёни чукунлаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Ҳусусан, 1997 йил 10 январь кунини Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамдустлиги (МОИХ)

(Давоми 2-бетда)

ТАДБИРКОРГА ҚОНУН МАДАДКОР

Яқинда қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармони асосан, шу йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тугатиш, тўқатиш, молиявий санкцияларни қўллаш ва фаолиятининг айрим турлари билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни бир иш кунидан кўпроқ муддатга олиб қўйиш ва амал қилишини тўқатиб қўйиш (Вазирлар Маҳкамасининг комиссиялари ва Марказий банк томонидан берилган лицензиялар бундан мустасно) фақат суд орқали қўллашни тартиб белгиланди. Фармоннинг биринчи бандига мувофиқ, тадбиркорлик фаолиятини чекловчи чоралар фақат суд орқали амалга оширилади. Ушбу норманинг

киритилиши тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритишига кенг йўл очиб берди. Тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги низолар ҳўжалик суди ёки ҳакамлар суди томонидан кўриб чиқилади. Халқаро тажрибага кўра, ҳакамлик суди тадбиркорлик субъектлари ҳамда унинг бирлашмалари томонидан ташкил этилади. Ҳакамлик судлари доимий ёки вақтинчалик бўлиши мумкин. Вақтинчалик ҳакамлик судлари низолашаётган тарафлар томонидан аниқ бир низоли ҳал қилиш мақсадида вақтинча муддатга тuzилади. Доимий ҳакамлик судлари ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида юзага келадиган низоларни ҳал қиладиган ва давлат тизимида кирмайдиган махсус орган сифатида тuzилади. Ҳакамлик суди тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши ва ҳакамлик

сан, 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб микрофирмалар ва кичик корхоналар учун бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, республика йўл ва мактаб таълими жамғармалари учун мажбурий ажратмалар тўлаш ўрнига ягона солиқ тўлови жорий этилди. Ягона солиқ тўловига ўтиш тадбиркорларнинг маблагини тежашга ва айланма маблагини кўпайтиришга имкон яратди. Шу билан бирга, ўзаро келишмовчиликлар юзага келмаслиги учун ягона ижтимоий тўлов тартиби сақлаб қолинди.

«Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни қонуний талаб этганлик учун жавобгарлиқни кучайтириш тўғрисида»ги қарорга кўра, микрофирмалар ва кичик корхоналар бўйича ҳисоботларни тақдим қилиш тартиби соддалаштирилди. Тад-

ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги фармонга биноан, суд молиявий жараимага тортиш чикшида тадбиркор томонидан содир этилган қонунбузарлик қасддан содир қилинмаганига, давлатга етказилган зарар миқдорига қараб, содир этилган ҳолатларни объектив ўрганиб, ҳуқуқбузарлиқни аниқлаш лозим бўлади. Шундай ҳолатлар юз берганда айбдорнинг фақат маъмурий жавобгарлиқга тортиш билан чегараланиш белгиланди. Тадбиркор айбини тан ола ва етказган зарарини қоплайдиган тўловларни бир ой ичида тўласа, унга нисбатан молиявий санкциялар қўлланилмайди.

Ҳайбулла САҒАРОВ, Қашқадарь вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

САМИМИЙ МУЛОҚОТЛАР

Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги муносабати билан "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ташаббускорлигида жойларда бир қатор тадбирлар ўтказилди. Ҳўжайли, Нукус, Чимбой туманларида ва Тахиятош шаҳрида, шунингдек, республика сил касаллиги диспансерида бўлиб ўтган тадбирларда партия фаоллари ва иштирокчилар ўртасида самимий мулоқотлар

бўлиб ўтди. Учрашуларда юртимизда амалга оширилган ишларнинг ҳақиқатини, самараси, ҳунончи, улкан бунёдкорлик ишлари тўғрисида атофлича гапирди.

Нукус шаҳар Кенгаши томонидан Афғонистон уруши қатнашчилари орасида шахмат-шаҳка бўйича турнир ўтказилиб, голиблар қимматбаҳо эсдалик соғвалари билан тақдирланди.

ГИЁҲВАНДЛИК — АСР ВАБОСИ

"Адолат" СДП Янгиариқ туман Кенгаши ташаббуси билан 3-ўрта мактабда "Гийҳвандлик — аср вабоси" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда гийҳвандлик балоси ҳозирги пайтда нафақат мамлакатимиз, балки бутун жаҳон ҳамжамияти олдида турган долзарб муаммолардан бири эканлиги, бу иллатга қарши кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда кураш олиб бориш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири эканлиги айтиб ўтилди.

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА МУҲОКАМАСИ

Богот, Янгиариқ туманларида туман партия Кенгашилари ва фаоллари билан ташкилий-партиявий ишларни фаоллаштириш юзасидан ўтказилган йиғилишларда вилоят Кенгашининг иккинчи котиби Нурмат Эшметов жойларда бошланғич ташкилотларни тузиш, партия ишларига ёшлар ва хотин-қизларни жалб қилиш, аъзолик бадалларини йиғишни тартибга солиш, шунингдек, тарғибот-ташвиқот ишларини жадаллаштириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш бўйича амалий маслаҳат берди.

Гурлан туман Кенгаши ташаббуси билан "Амударё" ва "Вазир" ширкат ҳўжаликларида партиянинг жойлардаги фаолияти тўғрисида йиғилишлар ўтказилди.

Мавзуга қайтиб

Олий ҳўжалик судининг қарори

ҚАЛЛОБЛИККА БАРҲАМ БЕРДИ

Газетамизнинг 2005 йил 1 июль сонида Россиядаги «Славяне» ёлқ акциядорлик жамиятининг ишончли вакили Т.Зухридиновнинг «Қаллоблик» сарлавҳали мақоласи чоп этилган эди. Унда «Славяне» ЕАЖ билан тузилган «Персей» қўшма корхонасига тегишли бино ва ишлаб чиқариш воситалари талон-торож қилинганлиги, шунингдек, бу масала Қорақалпоғистон Республикаси Ҳўжалик судида икки марта кўриб чиқилиб, апелляция тартибидеги судлов ҳайъати қабул қилган ҳал қилув қарори тўғрисида танқидий фикрлар билдирилган эди.

Орадан кўп ўтмай Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги Олий Ҳўжалик Судига «Славяне» ЕАЖ манфаатларини ҳимоя қилиб, кассация шикоят, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан кассация протести киритилди.

Суд жараёнида «Славяне» ЕАЖга қарашли «Персей» қўшма корхонасининг бош директори А.Усмонов таъсисчилар томонидан ваколат берилмаган бўлса-да, амалдаги қонун талабларини қўпол равишда бузганлиги аниқланди.

Чунончи, у собиқ қўшма корхона бухгалтери Б.А.Лимбетов ва Қорақалпоғистон Республикаси Миллий банкининг ҳодимлари билан қўшма корхона мулкларини ноқонун равишда гаровга қўйиб, банкдан 40 миллион сўм кредит олган.

Шунингдек, А.Усмонов умумий йиғилиш баённомаси ва «Славяне» ЕАЖ номидан қалбаки кредит беришга розилик хатини тайёрлаган ва бир қатор жиноий ҳаракатларни амалга оширганлиги маълум бўлди. Қорақалпоғистон Республикаси Ҳўжалик суди апелляция судлов ҳайъати эса бу жиноий ҳаракатларга етарлича баҳо бермаган. Ва биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилган.

2001 йилда жўнатилган ҳисобот ва ҳужжатлар қалбаки бўлиб чиқди. 2002 йилдан бери эса ҳисобот бериш пайсалга солиб келинди. Бунинг устига «Персей» қўшма корхонаси махсулотларини ноқонун равишда «Анкор», «Алимбетов» корхоналари орқали сотиб, мўмай даромад қилиб келган. Давлат божини эса «Персей» қўшма корхонаси ҳисоб рақамидан тўлаган. Республика прокуратураси ва Адлия вазирлигининг қилни қирқ ёрадан ҳодимлари хориж инвесторларини адолатли қонунлар асосида ишбилармон ва тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилди. Хусусан, Адлия вазирлиги Хорижий инвесторлар ва инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси бўлим бошлиғи Фозил Фариков судда иштирок этиб, Қорақалпоғистон Республикаси ТИФ «Миллий банк» ҳодимлари ва А.Усмонов, Б.Алимбетов кредит олишда «Персей» қўшма корхонаси уставиға амал қилмасдан давлат меъёрий ҳужжат ва қонунларини, мулкдорларнинг ҳуқуқларини бузишга сабаб бўлган мансабдорларга нисбатан ҳусусий ажрим чиқаришни сўради.

Олий Ҳўжалик суди кассация судлов ҳайъати томонидан 2005 йил 2 августда кассация шикоят ва кассация протести қаноатлантирилиб, биринчи инстанция судининг қарори ўз кучида қолдирилди. Адолат, ҳақиқат тантана қилди.

Дарвоқе, Олий Ҳўжалик суди кассация судлов ҳайъати томонидан далилий ҳужжатлар ва гаров, кредит шартномаларини қонунийлигини ўрганиб чиқди. Аниқланган жиноят ва қамчиликлар юзасидан ҳусусий ажрим чиқариб, банк масъул раҳбарларига нисбатан чора кўриш учун Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси ва Республика ТИФ «Миллий банки»га юборилди.

Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ,
«Адолат» муҳбири

ДАСТУРГА БАҒИШЛАНДИ

Самарқанд тумани «Адолат» СДП Кенгаши ва туман ҳокимияти билан ҳамкорликда «Кулбаибаён» ва Хожа Ахрор Вали номли маҳаллаларда «Сихат-саломатлик йили» давлат Дастури ижросига бағишланган йиғилишлар ўтказилди. Тадбирда сўзга

чиққан партия туман кенгашининг биринчи котиби Зўҳра Қуддусова йиғилганларга партиянинг мақсад ва вазифалари, аҳолини соғломлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсил сўзлаб берди.

«Сихат-саломатлик йили»

давлат Дастури юзасидан туманда бажарилган ишлар таҳлил қилиниб, келажакда қилиниши лозим бўлган муҳим ишлар режалаштириб олинди. Тадбир сўнггида 12 нафар фуқаро партия сафига қабул қилинди, бошланғич партия ташкилотлари тузилди.

МАКТАБЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

«Адолат» СДП Жиззах вилояти Кенгаши ташаббуси билан «Учтепа» маҳалласидаги 19-мактабда янги ўқув йили бошланиши муносабати билан ўқувчилар ва маҳалла фаоллари иштирокида «Ўзбекистон Ватаним меним» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Мазкур йиғи-

лишда мустақилликка эришилгандан сўнгги йилларда қўлга киритилган ютуқлар, истиқлолнинг тарихий аҳамияти ҳусусида тўхталиб ўтилди, партиянинг бошланғич ташкилотларидаги фаолиятида ёшларнинг ўрни ҳақида қизғин баҳс юритилди.

ХАЙРИЯ ТАДБИРИ



«Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгаши ташаббуси билан Бўка туманидаги 15-болалар меҳрибонлик уйида хайрия тадбири уюштирилди.

Тадбирда қатнашган вилоят партия Кенгаши иккинчи котиби Махмуд Мўйдинов меҳрибонлик

уйи тарбияланувчиларини Ватанимиз Мустақиллигининг 14 йиллиги байрами билан самимий табриклар, келажакда юртимизга муносиб қомил фарзандлар бўлиб етишларини тилади.

Учрашув сўнггида 174 нафар болага турли ши-

ринликлар улашилди. Шунингдек, меҳрибонлик уйининг 5 нафар ходими партия сафига қабул қилиниб, бошланғич ташкилот тузилди. Бошланғич партия ташкилоти котиби этиб муассаса директори муовини Нафиса Ҳўжаева сайланди.

«Адолат» социал-демократик партияси Самарқанд шаҳар Кенгаши ташаббуси билан вилоят травматология ва ортопедия шифохонасида тадбир бўлиб ўтди. Унга бу йил мактабнинг 1-синфига қадам қўйган болажонлар ва уларнинг ота-оналари тақдир этилди. Учрашувда ўқувчиларга дарслик ва ўқув қуроллари совға қилинди.



Партия фаолларининг меҳнат жамоалари, маҳаллалардаги бу каби самимий мулоқотлари фуқароларда илиқ таассурот қолдириб, партияга бўлган ишончини мустаҳкамламоқда.

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.
З. ТўРАҚУЛОВ
олган суратлар

МИНТАҚАВИЙ ИНТЕГРАЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари бошқарилишининг 2001 йил декабдаги Қўшма баёнотида Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамдўстлигини Марказий Осиё Ҳамкорлиги (МОХ) ташкилотиға ўзгартириш тўғрисида келишиб олинди. Бундан қўзланган мақсад — интеграция жараёнида қамраб олувчи соҳаларни аянда кенгайтириш ва бу жараёнларни чуқурлаштиришни таъминлашдан иборат эди. Ниҳоят, 2002 йилнинг 28 февралда турт мамлакат президентлари Марказий Осиё Ҳамкорлиги Ташкилотини таъсис этиш тўғрисидаги шартномани имзоладилар.

Марказий Осиё давлатларининг интеграциялашуви уларға ўз иқтисодиётини юксалтириш учун бир қанча қўшимча кулайликлар яратиш шубҳасиз. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳозир

минтақанинг барча давлатлари учун зарур бўлган чет эл инвестициялари оқими-нинг микдори ҳам кўп жихатдан бу ҳудуд интеграция жараёнига боғлиқ. Чунки чет эллик инвесторларни, аввало, алоҳида бир давлатдан кўра минтақадаги бирлашган бозор кўпроқ қизиқтиради. Минтақа индустриясининг яна бир фойдали жиҳати — ташкилотлардан ҳимоя салохиятининг ошишидир. «Бу минтақа, — деган эди Президентимиз Ислам Қари-мов, — ҳар доим ў ёки бу шаклда интеграциялашган. Марказий Осиё халқлари ўз келажакларини бирлиқда қуриш заруриятини мустақилликни қўлга киритганларидан кейин яна бир бор ҳис қилишди».

Умуман олганда, минтақавий яқинлашиш, яъни минтақавий интеграция жараёнидан кейинги йилларда дунёнинг турли ҳудудларига хос ҳолат бўлиб қолди. Европа, Шимолий Америка,

Осиё ва Тинч океани минтақаларидаги интеграция жараёнилари ҳам шундай кечмоқда. Демакки, бу тенденция Марказий Осиё давлатларига ҳам хосдир. Бунда минтақа давлатларининг географик нуктаи назардан бир ҳудудда жойлашгани, тарихий-этноик ва маданий яқинлиги муҳим ўрин тутди. Шунингдек, халқаро терроризм, диний экстремизм, сепаратизм, нарқобизнес каби иллатлар минтақага қириб келишининг олдини олишда ҳамда уларга қарши курашишдаги ҳамжihatлик ҳам минтақавий интеграция ривожиди Марказий Осиё давлатлари миллий манфаатлари бирлашувиға хизмат қилиши табиий.

С.САИДОЛИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият
қурилиши Академиясининг
доктoранти,
М.НИЁЗОВ,
Академия тингловчиси



Ифтихор

Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги арафасида Эски Жўва мавзеида Абдулла Қодирий боғининг барпо этилиши тарих, ўтмиш ва келажакимизга бўлган ҳурмат-эъзознинг яна бир ифодаси бўлди.

ЯНГИ, ОБОД ВА ФАЙЗЛИ

Боғнинг ободончилиқ ишларида иштирок этган бош пудратчи Эркин Рихсибоев шундай дейди:

— Қурилиш ишларини 2005 йил апрель ойида бошлаган бўлсак, 1 сентябрда яқунладик. Тўғриси айтганда, бу ишда иштирок этганимдан беҳад хурсандман. Амалга оширилаётган ободончилик ишлари барчага манзур бўлмоқда. 20 гектар жойини эгаллаган боғда шаҳарликларнинг хордиқ чиқаришлари учун кўпгина кулайликлар яратилган. Турли хил томошалар учун 1000 ўринли амфитеатр, 420 ўринли кўнгилчоар ўйинлар жойи, савдо шаҳобчалари, чойхона, бас-сейнлар, болалар майдончаси барпо этилди. Узун-узун озода йўлақлар четлари кўзни қувонтирадиган даражада ям-яшил кўкаламзорга айлантирилган. Уртада эса улуг адибимиз Абдулла Қодирий ҳайкали қад ростлади.

Ҳайкалнинг пойида невараси билан турган кекса кишига кўзим тушди. У неварасига нималарнидир гапирарди. Мен фурсатдан фойдаланиб, отахонини суҳбатга тортдим.

— Бу бошимиз нималарни кўрмади, — дейди Файзулла бобо. — Иккинчи жаҳон уруши давридаги машаққатлар ҳали-ҳануз ёдимда. Уларнинг мунгли нигоҳлари, ҳаётга ташна юзларини эсласам, кўзимга ёш келади. Илойим, мустақиллигимизга кўз тегмасин. Утганларнинг руҳини шод этиб, савобли ишларни қила-



ётганларнинг саъй-ҳаракатларига ривож берсин. Қайсики юрт ўз тарихини, аждодларини унутмабди, демак, бундай давлатнинг келажак буюк бўлади.

Дарҳақиқат, тарихий хотирасиз келажак йўқ. Ёш авлод маънавиятини юксал-



тиришда аждодларимиз қолдирган мероснинг аҳамияти бекиёс.

Д. КАМБАРОВА

Қардошлик ришталари

Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги дипломатия алоқалари расман 1992 йилда ўрнатилган бўлса-да, халқларимиз азалдан бир-бири билан борди-келди қилиб келган. Бугунги кунда икки мамлакат ўртасидаги алоқалар турли соҳаларда кенгайиб бормоқда. Туркиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Меҳмет Кемал АСИЯ билан суҳбатлашдик.

Меҳмет Кемал АСИЯ:

"ҲАМКОРЛИГИМИЗ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАВЕРАДИ"

— Ўзбекистонда элчилик фаолиятини бошлаганимга ҳали кўп бўлгани йўқ, — дейди туркиялик дипломат. — Лекин шу қисқа вақт ичида юртингиз менда ажойиб таассурот уйғотди. Ўзбек халқининг миллий қадриятлари, анъаналарини ва урф-одатларини асраб-авайлаб келадиганига ғувоҳ бўлдим.

Ўзбеклар маърифатпарвар, маданиятли, бағрикенг, меҳмондўст, самимий ва очикқўнғил халқ. Шунинг учун Ўзбекистонга келган хориҳлик бу диёрда ўзини бегона сезмайди. Алҳидда таъкидлаб ўтмоқчиманки, Ўзбекистон билан Туркия ўртасида тарихий ва маданий муштараклик чуқур илдиз отгани тўғрйли мен ҳам бу ерда ўзимни худди юртимда юргандек ҳис қиламан.

— Мухтарам элчи жаноблари, икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармолавий ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳоли ва иқтисодининг қандай баҳолайсиз?

— Бугунги кунда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармолавий ҳамкорликда ижобий натижалар кўп. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, ўтган йили мамлакатларимиз ўртасида ўзаро савдо ҳажми 321 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонга энг кўп сармом киритган хорижий тадбиркорлар орасида турк ишбилармонлари олдинги ўринларда туради. Бу эса ҳамкорлиқнинг катта имкониятларига эга эканидан далилат беради.

Мамлакатимиз ўртасида яна қайси соҳаларда ҳамкорлиқнинг истиқболи порлоқ деб ўйлайсиз? Алоқаларимиз кўламини икки мамлакат салоҳиятига нечоғли мос?

— Давлатлар ўртасидаги муносабатларни таҳлил этганда, «ўзаро алоқаларимизда эришилган энг юқори марра мана шу», деган нуктаи назарга таяниб баҳо бериш нўғри. Балки вақт ўтиб, кейинчалик ўтмишга назар ташлаганда, «энг юқори марра мана шу экан» дейиш мумкин. Аммо ҳар доим ўзаро муносабатларнинг, барча соҳалардаги ҳамкорлиқнинг яна ҳам ривожлантириб, тараққий эттириш мумкинлигига ишонаман. Ўзбекистон ва Туркия муносабатларининг истиқболига ҳам мана шундай қараш билан ёндашаман.

Халқларимиз ўртасида қардошлик ва ўзаро яқинлик сабаб ҳар қандай ҳамкорлик ҳеч шубҳасиз узоқ муддатли бўлади. Бундан ташқари, Туркия бугун молия соҳасида анча тараққий этган мамлакат ҳисобланади. Мазкур соҳада кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасида кенг ҳамкорлик қилиш мумкин.

— Элчи жаноблари, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлиқнинг ривожлантиришида Туркия қандай имкониятларга эга? Бу борада Туркия тажрибаси ҳақида тўхталиб ўтсангиз?

— Туркияда кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланидиган ишбилармонларни қўллаб-қув-

ватлашга, улар фаолиятини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Тадбиркорлик фаолиятини тараққий эттириш, замонавий технологияларни ўзлаштириш ва амалда жорий этиш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлиқнинг иқтисодийотиға ўрни ва аҳамиятини ошириш мақсадида 1990 йил Кичик ва ўрта ҳажмдаги саноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш кўмитаси (KOSGEB) ташкил этилган. Ўшбу кўмида асосан уч йўналишда — технологияларни ўзлаштириш ва тақомиллаштириш, бошқарув тизимини ривожлантириш, лаборатория хизматларини кўрсатиш бўйича фаолият юритмоқда. Шу билан бирга, кўмида бошқарув тизимини борасида маслаҳат бериш, сифат даражаси, андозалар, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик вакиллари билан мутасадди давлат идоралари ўртасида ҳамкорлиқни йўлга қўйиш ҳамда ишлаб чиқаришни ривожлантириш масалаларида ҳам тадбиркорларга кўмак бериб келмоқда.

— Яқинда Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигининг 14 йиллигини кенг нишонлади. Ўшбу кутлуг сана муносабати билан ўзбек халқига тилақларингиз...

— Ўзбек халқига қардош турк халқи номидан тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат ва фаровонлик тилайман. Муваффақиятлар аянда кўпаяверсин. Истиқлол байрамингиз муборак бўлсин!

Фазлиддин АРЗИЕВ
суҳбатлашди

Таълим

“2004-2009 йилларда мактаб таълимни ривожлантириш Давлат умумий миллий дастури”нинг қабул қилиниши мамлакатимизда таълим тизимини янада такомиллаштириш, умумий ўрта таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида кенг имкониятлар яратди. Дастур доирасида Навоий вилоятида мактабларни янгидан қуриш, капитал реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича талай ишлар амалга ошириляпти.

ИНШООТ ВА

Жорий йилда вилоятдаги 49 та мактабда қуриш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Хусусан, янги ўқув йилига туҳфа сифатида Кармана ва Нурота туманларида янги мактаб бинолари қурилиб, замонавий ўқув жойлари билан таъминланди. Бундан ташқари, 11 та мактаб капитал реконструкция, 14 таси капитал ва 22 таси жорий таъмирдан чиқарилди.



ИМКОНИЯТЛАР

— Бу йил 14268 нафар ҳажжи ўғил-қизларимиз илк бор мактаб остонасига қадам қўйишди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлигининг ўринбосари Азамат Азимов. — Ўқувчилар маънавиятини

аждодаларимиз қолдирган бой мерос билан бойитишда, улар онгига ватанпарварлик, инсонпарварлик, инсониятнинг сингдиришда қи-тобнинг аҳамияти жуда катта. Шу боис, мактабларнинг кутубхона жамғармасини

анжомлари билан таъминланган. “Эл-ҳолдин” очик акциядорлик жамияти томонидан вилоятдаги 14 та мактабнинг кимё-биология, 24 та мактабнинг физика хоналари жиҳозланди.

Юрт, миллат доғруғини дунёга машҳур этишда спортнинг аҳамияти бекиёс. Вилоятда болалар спортини ривожлантириш, ўрта умумтаълим муассасаларида ўқувчи ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун қулай шароит яратиб беришга ҳам катта эътибор қаратишмоқда. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан бу йил учта болалар спорт иншооти, тўртта спорт зали қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Дилноза НОМЗОВА,
“Адолат” мухбири

Хуқуқий маслаҳат

Кейинги пайтда матбуотда ишончнома ҳақида турлича фикрлар айтилмоқда. Аслида ишончнома қандай ҳужжат, унинг муддати ва бекор бўлиш тартиби қандай? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Воҳид ХУДОЙНАЗАРОВ,
Қашқадарё вилояти

ИШОНЧНОМА НИМА?

Бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вақилга) ўқинчи шахслар олдига вақиллик қилиш учун берилган ёзма ваколатга ишончнома дейилади. Ишончли вақил ишончномада кўрсатилган ваколатлар доирасида иш олиб боради.

Ишончнома, унинг шакли, муддати ҳамда бекор бўлиши Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 134–144-моддалари асосида тартибга солинади. Ишончнома оддий ёзма шаклда ёки нотариал шаклда расмийлаштирилади.

Юридик шахсларга нисбатан ҳаракатларни амалга ошириш учун берилган ишончнома нотариал идоралари томонидан тасдиқланади.

Куйидаги ҳужжатлар нотариал тасдиқланган ишончномаларга тенглаштирилади:

госпитал, санаторий ва бошқа ҳарбий-даволаш муассасаларида даволанаётган ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда бошқа шахсларнинг шу муассасаларнинг бошлиқлари, уларнинг тиббий қисм бўйича ўринбосарлари, катта ва навабчи шифокорлари томонидан тасдиқланган ишончномалари;

нотариал идоралар ва нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа органлар бўлмаган пунктлардаги ишчи ва хизматчиларнинг, улар оилаларининг ва ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг қисм, қўшилма, муассаса ва ўқув юртимизнинг бошлиқлари томонидан тасдиқланган ишончномалари;

наётган шахсларнинг тегишли муассасалар бошлиқлари томонидан тасдиқланган ишончномалари.

Юридик шахс номидан берилладиган ишончнома тасдиқлот раҳбари томонидан имзоланиб, муҳри босилади. Давлат мулкига асосланган юридик шахс номидан пул ва бошқа мулк қилиш ишончнома шу юридик шахснинг бош (катта) бухгалтер томонидан ҳам имзоланиши керак. Банкда операцияларни амалга оширишга ишончнома бериш тартиби ва унинг шакли қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган.

Ишончнома кўпи билан уч йил муддатга берилиши мумкин. Агар ишончномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди. Берилган кун кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Нотариус томонидан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикасида ташқаридagi ҳаракатларни амалга оширишга мўлжалланган, амал қилиш муддати кўрсатилмаган ишончнома уни берган шахс томонидан бекор қилингунча ўз кучини сақлайди.

Ишончнома берилган шахс ўз ваколатидаги ҳаракатларни шахсан амалга ошириши шарт. Башарти, унга ишончнома билан ваколат берилган бўлса ёки уни ишончнома берган шахснинг манфаатларини ҳимоя қилишга шарт мажбур қилса, у ҳаракатларни амалга ошириши бошқа шахсга ўтказиши мумкин. Ваколатларнинг бошқа

шахсга берилишига асос бўлган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

Ишончноманинг амал қилиш муддати куйидаги ҳолларда бекор қилинади:

- ишончнома муддатининг тугаши боис;
- ишончнома берган шахснинг ишончномани бекор қилиши боис;
- ишончнома берилган шахснинг ишончномадан беш тортиси боис;
- ишончнома берган юридик шахс фаолиятининг тўхтатилиши муносабати билан;
- ишончнома берган фуқаронинг муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган ёхуд вафот этиши муносабати билан;
- ишончнома олган фуқаронинг муомалага лаёқатсиз, муомалага лаёқати чекланган ёки йўқолган ёхуд вафот этиши муносабати билан.

Ишончнома берган шахс истаган вақтда ишончномани бекор қилиши, ишончнома берилган шахс эса ундан воз кечиши мумкин.

Ишончнома олган шахснинг ишончнома бекор қилинганини билгунча ёки билиши лозим бўлгунча қилган ҳаракатлари ишончнома берган шахс ёки унинг ҳуқуқий ворислари учун ўқинчи шахсларга нисбатан ўз кучини сақлаб қолади.

Ишончноманинг амал қилиши бекор бўлгунча қилган ишончнома олган шахс ёки унинг меросхўрлари (ҳуқуқий ворислари) дарҳол ишончномани қайтариб беришлари шарт.

Фозил ФАРИКОВ,
Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи

“Дунё савдогарлар билан ободир!” Соҳибқирон Амир Темур Оврупо қиролларидан бирига ёзган номасида ушбу фикрни алоҳида таъкидлаган эди. Унинг Буюк Ипак йўлида савдони ривожлантириш, хавфсизлигини таъминлаш, ободонлаштириш, савдогарлар учун шарт-шароитлар яратиш ва савдода Марказий Осиё мавқеини кучайтириш борасидаги ишлари, айниқса, ибратлидир. Буюк Ипак йўли Марказий Осиё халқлари манфаатларига бўйсундирилиши билан Шарқ ва Ғарб ўртасида алоқа боғлини, карвонсаройларда савдогарлар учун барча қулайликлар мўҳайё этилган. Натижада савдо кўлами кенгайиб, божларни тартибга солувчи ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва улорға амал қилинган.

Тарихий манбалардаги маълумотларга кўра, божхона тизими Марказий Осиёда қадим замонлардаёқ мавжуд бўлган. Тарихчи олим Ш.Раҳмонов Сурхондарё вилоятининг Шеробод даҳанасида жойлашган “Тавка” қалъасини ўрганиб, унинг Буюк Ипак йўлидаги божхона иншооти бўлганини исботлаб берди. Маълумки, минг йиллаб Шарқни Ғарб билан боғлаган Буюк Ипак йўли Марказий Осиё ҳудудидан ўтган.

Амир Темур улкан салтанатда хавфсиз савдо-сотиқ учун барча шароитларни яратган, ҳукмдорларга мактублар йўллаб, ўзаро иқтисодий алоқаларни кучайтиришга даъват этган. Жумладан, Соҳибқироннинг Фарангистон қироли Карл VI га юборган номасида шундай ёзилган: “... Сизнинг савдогарларингиз биз тарафга катнаб турсалар биз бу ерда уларни азизу муқаррам тутғузмизди, шунингдек, бизнинг савдогарлар у тарафга юборилса, Сиз ҳам уларни азизу муқаррам тутсангиз, ҳеч кимса уларга зўрлик қилмаса ва зарар-заҳмат етказмаса! Чунки дунё савдогарлар билан ободир!”

Шундай мазмундаги номалар Испания, Венеция, Генуя, Англия, Византия, Хитой ва Миср каби давлатларга ҳам элчилар орқали йўлланиб, иқтисодий, савдо муносабатлари йўлга қўйилган.

XV аср бошида Соҳибқирон салтанатида бўлган Кастилия элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо Самарканд бозорига дунёнинг турли мамлакатларидан келган, турли тилларда сўзлашувчи савдогарларни ва улар келтирган хорижий молларни қўллаб уратганини ёзган. Унинг асаридagi маълумотлардан Самарканднинг Осиё савдоси марказига айланганини билиш қийин эмас. Клавихо

ДУНЁ САВДОГАРЛАР

АМИР ТЕМУР САЛТАНАТИДА БОЖХОНА СИЁСАТИ

Самаркандга бир ойнинг ўзида фақат Хитойдан 800 туя мол олиб келинганини айтади.

Карвонлар йўлида қўллаб давлатлар жойлашгани боис, катта миқдордаги бож савдогарларни хонавайрон этар, шу билан бирга, ана шу давлатларни ҳам қафоллати даромаддан маҳрум қиларди. Бу даромаднинг ҳазина учун зарурлигини тушушган ҳукмдорлар қулай йўллар, обод карвонсаройлар қуришар, карвонларни хавф-хатардан қўриқлаш, чора-тадбирларини қўришарди. Амир Темур ва теурийлар фаолияти бунинг ёрқин мисолидир. Амир Темур олдинги юз йилликлардаги давомли урушлар ва босқинлар оқибатида деярли тўхтаб қолган Буюк Ипак йўлидаги ҳаракатни қайта тиклади. Салтанатига дохил ерларда савдо-сотиқнинг батамом хавфсизлигини таъмин этди. Бу ҳусусда ўша даврнинг машҳур муаррихи Низомуддин Шомиий “Зафарнома” асарига шундай ёзган: “... Унинг адолати савдога қўйилган қулай шароитларни ва хавфсизлигини ярати берган... Агар унга қарашли ерларда қайсидир савдогарни тунашса, ўша ернинг ҳукмдори савдогарга йўқотган нарсасини икки баравар қилиб қайтариб берав, бундан ташқари, ушбу маблағни салтанатга беш баравар миқдорда тўларди.”

Академик Бўрибой Аҳмедов бу даврда фискал (мол-солиқ) тизими, шу жумладан, карвонларни қўриқ-

ва олиб кетардилар. Ҳеч бир кимса уларнинг бир доғига ҳам зиён етказмади. Бу чексиз неъмат ва поёнсиз марҳаматлар Амир Соҳибқироннинг сиёсати ва адолати натижасидир.”

Амир Темур ва теурийлар даврида улкан салтанат йўллари яхши ҳолатда сақланган. Йўлнинг ҳар бир кунлик масофасида карвонсаройлар бўлиб, уларда савдогарларни яроғли отлик қўриқчилар қўтиб олар, кейинги дам олиш жойига қўзатиб қўйишарди. Хатто сархорларда ҳам карвонсаройлар бунёд этилиб, улар зарурат туғилганда тунда бўлса ҳам минг отлик йўловчини қабул қилиш имконига эга бўлган. Узоқ вақт Султонияда яшаган ватанлик архиепископ Иоанн Амир Темур томонидан савдогарларга берилган имтиёзларни шундай қайд қилган: “Темур хорижий савдогарларга хайрихолик билан муносабатда бўлар ва бутун салтанатда уларга қулай шароитларни ва хавфсизлигини ярати берган... Агар унга қарашли ерларда қайсидир савдогарни тунашса, ўша ернинг ҳукмдори савдогарга йўқотган нарсасини икки баравар қилиб қайтариб берав, бундан ташқари, ушбу маблағни салтанатга беш баравар миқдорда тўларди.”

Олим ҲАКИМОВ,
“Адолат” мухбири

Тарих зарварақлари

лайдиган божхона тизими пухта шаклланигани таъкидлаб, бир воқеани мисол тариқасида келтирди.

Бу воқеа Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг падари Бўзруквор, теурийзода

ахвол қандай бўлганини текширган. Шунда бир қатор дўқонлар, жумладан, қассоб, этиқдўзлар ўз маҳсулотларини хаддан ташқари юқори баҳода сотганликларини аниқланади. Уларнинг иши дарҳол қозига оширилиб, айбдорлар жазоланади. Суиистеъмол қилинган маблағ эса қайтариб олинади.

Албатта, ташқи иқтисодий алоқаларнинг, мамла-

БИСАН ОБОД

Умаршайх Мирзо Андижонда ҳукмронлик қилган даврда юз берган. Беш юз кишилик от-уловли катта карвон кўп юк билан Хитойдан қайтар эди. Тоғда йўловчилар қор бўронига йўлиқишарди. Фақат икки киши тирик қолади ва улар Андижонга қелиб, рўй берган фалокатдан хабар беришарди. Умаршайхнинг амри билан карвоннинг юқлари қор остидан қавлаб олинади ва меросхўрлар топилмагунча қўриқланади. Меросхўрларни эса фақат Андижондан эмас, бутун Хорондан, Эрон ва Ироқдан ҳам излашарди...

Амир Темур даврида айрим бож имтиёзлари мавжуд бўлган. Масалан, “қизил мол” бождан озод қилинган эди. Бундай товарлар оддий муҳр эмас, балки шохона қизил муҳр билан тасдиқлангани боис “қизил мол” деб аталган. Ўша давр қондаларига кўра бундай товарлардан бож ундирилмаган.

Амир Темур ва теурийлар даврида савдо муносабатларидаги иқтисодий адолат масаласи жуда муҳим ҳисобланган. Яратилган шарт-шароитга, мавжуд тадбирларга риоя қилмай, текин даромад кетидан қуванлар каттиқ жазага тортилган. Чунончи, Клавихонинг гувоҳлик беришича, навабдаги ҳарбий юришдан қайтган, Амир Темур ўзи йўқлигида шаҳарда

кат иқтисодиётининг ривож бож ва солиқлар миқдори ҳам боғлиқ. Соҳибқирон солиқлар ва бож миқдорини белгилашда аниқ қўлини қўйган. “Темур тузуқлари”да Соҳибқироннинг божхона сиёсатида доир қуйдаги фикрлари битилган:

“... Райятдан хирож ундиришда уни оғир ахволга тушиб қўйишдан ёки мамлакатни қашшоқлантириб қўйишдан сақланиш зарур. Чунки райятни хонавайрон қилиш хазинанинг ғариб бўлиб қолишига олиб келади. Хазинанинг ғариблашиб қолиши бўлса, сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқалиб кетиши, ўз навабатида, салтанатнинг заифлишига олиб келади.”

Француз тадқиқотчиси Жан Пол Рунинг ёзишича, Амир Темур давлат ва жамият, ташқи иқтисодий, савдо алоқаларини, шунингдек, молия ва ҳарбий соҳа ишларини яхши йўлга қўйган.

Хуллас, буюк Соҳибқироннинг ташқи иқтисодий, нарх-наво, солиқ ва бож сиёсатида ҳам машҳур “Куч адолатдир!” деган тамойил амалда бўлган.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ,
Олий ҳарбий божхона институти маънавият ва маърифат бўлими ва бошлиғи, божхона хизмати капитани

«НАФИС»НИНГ ЖИЛОЛАРИ

“Нафис” очик акциядорлик жамияти мамлакатимиз энгил саноати тармоғида муваффақиятли фаолият юритиб келаётди. Ҳозирда 1863 нафар акциядор ўз улушлари билан корхонанинг ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда. Корхонада чинни чойнак, пилла, ликопча, коса ва бошқа рўзгор-боп буюмлар ишлаб чиқарилмоқда.

— Самарканд чиннисига бўлган талаб эса кундан-кунга ортмоқда, — дейди биз билан суҳбатда корхона директори Болтақул Тўрақулов. — Ундан ортик корхоналар билан шартнома тузганмиз. Жумладан, “Хоразм-сарбон”,

“Бухоро-савдо”, “Бухоро-Газмол” “Халқ истеъмоллари Тошкент улғуржи чакана ярмаркаси”, Навоий тоғ-металлургия комбинати каби иқтисодий салоҳиятли қўллаб қорхоналар бизнинг ҳамкорларимиздир. Мазкур ташкилотлар билан ҳамкорлигимиз яхши самара бермоқда.

Махсулотларни тайёрлашда асосан, Ангрен шаҳридаги “Ангрен” очик акциядорлик жамиятидан, “Лангар” Ўзбекистон — Россия қўша корхонасидан ва Деҳқонбод қареридан олиб келинган хомашёлардан фойдаланилади. 2004 йили 13667 минг дондан рўзгор-

боп махсулотлар ишлаб чиқарилган. Айни пайтда корхонага чет эл сармояларини жалб қилиш устида иш олиб борилмоқда. Бу каби тадбирлар ишлаб чиқаришда истиқболли сиёсат юритилаётганидан далolatдир.

“Нафис” очик турдаги акциядорлик жамияти фаолияти изчиллик билан давом этмоқда. Мақсад эса ялпи ички махсулот ишлаб чиқаришда кичик бизнес улушини ошириш орқали мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишига муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

Олим ҲАКИМОВ,
“Адолат” мухбири

ГАЗО ФАЛАСТИН ИХТИЁРИДА

Ғазо минтақасидан Исроил ҳарбийлари бутунлай олиб чиқиб кетилди. Маълумотларга кўра, Ғазода жами беш мингга яқин исроиллик ҳарбий бўлган.

1967 йилги уруш оқибатида Ғазонинг айрим қисмлари Исроилга ўтган эди. Кузатувчиларнинг фикрича, аввалига яҳудий аҳоли, сўнг эса ҳарбийларнинг бу ҳудудни тарқ этгани 38 йилдан буён ҳеч тинчимайдиган минтақанинг тикланишида, умуман Исроил дарёси ғарбий соҳилида тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишида муҳим аҳамиятга эга.

Минглаб фаластинликлар Исроил ҳарбийлари ҳудудни тарқ этгани муносабати билан қўчаларда тантана қилдилар. Маълумки, Исроил бош вазира Ариел Шароннинг Фаластиндан бир томонлама ажратиш режасига мувофиқ, август ойида Ғазодан яҳудийларни ўз юртига қўчириш ишлари олиб борилган. Энди бу ҳудудни Исроил ҳарбийлари ҳам бутунлай тарқ этди. Шу боис қувончини яширмаган фаластинликлар мушакбозлик қилиб, бўш қолган бино-



лар пештоқига давлат байроғини осди. Исроил ҳарбийлари тарқ этган ҳудудларда тартибсизликлар келиб чиқмаслиги учун Фаластин хавфсизлик хизмати ходимлари назорат қўйишган. Айни пайтда улар олдига турган асосий вазифа барқарорлиқни сақлаш учун тегишли амалий чоралар қўришдан иборат. Чунки исроиллик ҳарбийлар олиб чиқилгани ва ўртадаги чегара ёпиқлигидан сўнг Фаластиндаги айирмачи гуруҳлар томонидан Исроилнинг Сдерот ва бошқа шаҳарларига турли ракетадан уририлиб, ҳужумлар уюштирилмоқда. Исроил томони ҳам бу ҳурузликларга жим қараб турмаслигини маълум қилган.

МУХОЛИФАТДАГИ ПАРТИЯЛАР ГАЛАБАСИ

Норвегияда ҳам парламент сайлови ўтказилди. Маълумотларга кўра, унда муҳолифатдаги сўнчи-марказчилар коалициясининг қўли баланд келган. Ушбу коалиция таркибига Норвегия ишчилар партияси, Социалистик партия ҳамда Марказ партияси кирди.

РАТА-ТАСС ахборот агентлиги хабарига қараганда, Ишчилар партиясига сайловчиларнинг 33 фоизи хавфсизлик билдирган. Социали-

стик партия салкам 9 фоиз, Марказ партияси эса 6,5 фоиз овоз тўплашга муваффақ бўлган. Бу эса сўнчи-марказчилар коалициясининг 88 депутатлик ўрнига эга бўлганидан далolatдир. Эндилар улар олдига янги ҳукуматни шакллантириш вазифаси турбиди.


Мамлакатда янги ҳукумат октябр ойининг ўрталарида тўлиқ шакллантирилиши кутилмоқда. Норвегия бош вазири этиб Ишчи партия етак-

чиси Енс Столтенберг тайинланиши мумкин. У сайловдаги жараёнларида мамлакат нефть ва газ экспортини келтириб даромаддан таълим соҳасини ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этишга сарфланишини маълум қилган. Шунингдек, Е.Столтенберг нафақадagi фуқароларга давлат томонидан кўпроқ имтиёзлар берилиши масаласини ҳам сайловдаги дастурининг беш мавзуси этиб белгилаб олганди.



БАҒДОДДАГИ ҚЎПОРУВЧИЛИКЛАР

Бағдодда қўпоровчилик ҳаракати амалга оширилди. Рейтер ахборот агентлиги хабарига қараганда, террорчи томонидан автомобилга ўрнатишдан портловчи мосламани ҳаракатга келтирилиши оқибатида 80 дан зиёд киши ҳалок бўлган, 156 нафар киши жароҳатланган.



Портлаш пойтахтнинг Ал-Казимия туманидаги шиалар яшайдиган ҳудудда содир этилган. Маълумотларга кўра, қўпоровчи автомобилни катта тезликда бошқариб, одамлар гажум масканда портлатиб юборган. Ҳалок бўлган шиаларнинг аксарияти қурувчилар бўлганлиги таъкидланмоқда.

Шунингдек, Бағдоднинг Аш-Шуалия ва Ал-Адл туманларида ҳам террорчилик ҳаракатлари содир этилган. Унда ўнга яқин ироқлик, шу жумладан, уч ҳарбий хизматчи ҳаётдан қўз юмган. Ат-Тохида эса экстремистлар тинч аҳолидан 17 нафарини отиб ташлаган.

ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ

Японияда ўтказилган парламент сайловида бош вазир Жунитиро Коидзуми раҳбарлик қилаётган Либерал-демократик партия (ЛДП) галаба қозонди. Мазкур партия қуйи палатадаги 486 депутатлик ўрнидан 290 тасини қўлга киритди.



Маълумки, почта тизимини ислох этиш тўғрисидаги ҳукумат лойиҳаси парламент тасдиқидан ўтмагач, Жунитиро Коидзуми қуйи палатани тарқатиб юборишга мажбур бўлган ва муддатидан аввал парламент сайлови ўтказишга фармойиш берганди. Бу сиёсий тадбирга мамлакат бош вазирининг тақдирини ҳал қилувчи муҳим воқеа сифатида қаради. Сабаби, бош вазир ЛДП парламент сайловида мағлубиятга учраса, истефо беришини маълум қилган эди. Бироқ вазият ижобий яқун топди.

Таъкидлаш ўринли, Либерал-демократлар қуйи палатадаги барча комиссиялар устидан назоратни ўз қўлига олиб, муҳолифларга деярли имконият қолдирмади. Уларнинг асосий рақиби саналган Демократик партиянинг палатадаги депутатлик ўрни 177 дан 113 га қисқарди ва унинг раҳбари Кацүя Окада истефо берди.


Келаётган чоршанба кунин парламентнинг махсус сессияси бўлиб ўтади. Унда Ж.Коидзуми қайтадан ҳукумат раҳбарлигига сайланиши керак. Шундан сўнг бош вазир ҳукумат таркибини қайта қўриб чиқишни режалаштирган.

Алишер НАЗАРОВ

Тасвирий санъат

«ШАРҚ НАЗМИ»

КЎРГАЗМАСИ



Ўзбекистон Давлат Санъат музейида рас-
сомларнинг «Шарқ назми» деб номланган
кўргазмаси очилди. Унда А.Волков, А.Нико-
лаев (Усто Мўмин), О.Татевосян, У.Тансиқ-
боев, В.Уфимцев, М.Курзин, Н.Карахан каби
мўйқалам соҳиблари ижодидан намуналар
намоиш этилмоқда.

— Бу кўргазмани ташкил этишдан мақсад
тасвирий санъатга ошно инсонлар қалбига
ғўзаллик улаштириш, — дейди музей раҳба-
ри Насиба Ибрагимова. — Кўргазма «Шарқ
назми» дея бежиз аталмади. Чунки кўргазма
давонида турли таниқли расмоларнинг шар-
қона тасвирилар акс этган кўплаб асарлари
муҳлисларга яқиндан таништирилади.

Кўргазманинг очиш маросимида «Сўғдий-
на» халқ чолғулари миллий ансамблининг чи-
қишлари йиғилганлар қалбига ўзгача шукуҳ
бағишлади.

Д.НОМОЗОВА,

«Адолат» мухбири

Носиржон ХАЙДАРОВ олган суратлар

М.ШАЦКИХ:

«ЎЗБЕКИСТОН
УЧУН ЎЙНАЙМАН»

(Давоми. Боши 1-бетда)

1978 йилнинг 30 августи-
да туғилган Максим Шацких
футболдаги профессионал
фаолиятини Тошкентнинг
«Чилонзор» жамоасида бош-
лади. Бирок акиси Олегдан
фарқли равишда Ўзбекистон
чемпионатида узоқ вақт тўп
сургани йўқ. У тез орада
Россия жамоаларига ўтиб
кетди. Кисқа вақт ичида
«Сокол» (Саратов), «Торпе-
до» (Волжск), «Лада» (Толь-
ятти), «Газовик-Газпром»
(Ижевск) ва «Балтика» (Ка-
лининград) жамоаларида
ўйнашга улгурди.


1999 йили Максим Киев-
нинг «Динамо» жамоаси му-
раббийлари эътиборига ту-
шди. Бу пайтда киевликлар
Италиянинг «Милан» жамоа-
сига ўтиб кетган Андрей
Шевченконинг ўрнига муно-
сиб ўринбосар қидиришга-
н эди.

М.Шацких ўшандан бир
ярим ой аввал Москвадан
«Спартак» жамоаси кўри-
да бўлганда жамоа раҳба-
рияти унга эътибор қарат-
маганди. Узининг азалий
рақиби — «Динамо» (Киев)
иктидорли футболчини ўз
сафига олмақчи эканлигини
эшитгач, москваликлар ҳам
ёш ҳужумчини ўз жамоа-
лари таркибига қўриш иста-
гини билдиришди. Лекин
М.Шацких «Динамо»га ўти-
шга қарор қилди. У Европа
чемпионлар лигаси баҳсла-
рида «Жальгирис» жамоа-
сига қарши ўтказилган бирин-
чи ўйинда ҳам ўзига эътибор
қаратмади.

Шу ўринда алоҳида таъ-
кидлаш лозимки, М.Шацких
тўпура бўлишни ўзига ҳеч
қачон асосий мақсад қилиб
қўймади. У ўзи учун қўлай
вазират бўлишига қарамай,
жамоадорларига тўп уза-
тишни қизғин қилди. Жамоа-
дорлари Максимнинг бу
одатини қадрлашди. Ўтган
чемпионатда Шацкихнинг
аниқ тўп узатишларида
сўнг динамовчилар рақиблар
дарвозасига 12 марта тўп
қиритишган.

Терма жамоамиз ҳужум-
чиси Европа чемпионлар
лигасининг 2002-2003 йил-
ги мавсумларида муваффа-
қиятли тўп сурди. Гарчи
унинг жамоаси юксак нати-
жаларни қайд этмаган
бўлса-да, ҳамюртимиз томо-
нидан қиритилган аjoyиб
голлар футбол муҳлислари-
га завқ бағишлади. Максим-
нинг чемпионлар лигасида
Англиянинг «Ньюкасл» жа-
моаси дарвозасига урган
голи ўтган мавсумнинг энг
чиройли голи, деб эътироф
этилди. Ўшанда инглизлар
мураббийси Бобби Робсон
Шацкихнинг зарбасини
«wonderful strike», яъни
«аjoyиб зарба» деб мактаб-
ганди.

Ҳамюртимизнинг Украй-
надаги фаолиятини назар
ташласак, 2002-2003 йилги



биринчилик Максим учун
жуда қизиқарли кечганига
амин бўламиз. «Динамо» бу-
тун чемпионат давомида
Донецкнинг «Шахтёр»
жамоаси билан чемпионлик
учун мurosасиз кураш олиб
борди. Очко жамғариш
бўйича «Шахтёр»дан анча
орда қолган киевликлар-
нинг чемпионат якунида
асосий рақибларидан ўтиб
кейтишига ҳамюртимиз бе-
қиёс ҳисса қўшди. Коловер-
са, М.Шацких ва донецклик-
лар ҳужумчиси А.Белик тўпу-
рлар баҳсида рақобатла-
шарди. Чемпионатнинг
сўнгги учрашуви олдида
ҳар икки футболчи ҳисоби-
да 20 тадан гол бор эди.
Охириги ўйинда Ўзбекистон
терма жамоаси ҳужумчиси
иккита тўп қиритиб, Украй-
на чемпионатида иккинчи
март мохир тўпура бўлган
иккинчи футболчига айлан-
ди.

Хорижий журналистлар
М.Шацкихдан: «Россия ёки
Украина терма жамоасида
ўйнолмаслигиндан афсу-
сланмайсанми?», — деб
сўрашганда, у:

— Бу ҳақда ўйлаб ҳам
қўрмаганман, — деб жавоб
берганди. — Мен Ўзбекис-
тонда туғилдим ва шу ерда
футболчи бўлиб тарбиялан-
дим. Тошкентда ўйнаган
пайтда Россия ўсимлиги
терма жамоасига тақдир
қилишганда бормеганман.
Мен фақат Ўзбекистон тер-
ма жамоаси учун ўйнайман.

Айни пайтда Ўзбекистон
терма жамоаси олдида
масъулиятли учрашувлар ту-
рибди. 2006 йили Германи-
яда ўтадиган жаҳон чемпи-
онатининг финал босқичига
чиқиш учун футболчилари-
миз плей-оффда Бахрэн
терма жамоасига қарши ик-
кита учрашув ўтказишди.
Бу учрашувлар терма жамоа-
мизнинг барча иштирокчи-
лари қаторида М.Шацкихдан
ҳам катта маъсулият талаб
қилади. Албатта, Максим-
нинг терма жамоадаги
ўйини баъзан муҳлислар
таҳассислар эътирозига ҳам
сосаб бўлади. Аммо шуни
унутмаслигимиз керакки, мо-
хир тўпура энг асосий ў-
чрашувларда муҳим голларга
муаллифлик қилади. Жумла-
дан, жаҳон чемпионатининг
бу йилги саралаш учрашу-
вларида Максим Жанурий Ко-
рен ва Кувейт дарвозалари-
га гол қиритиб, терма жа-
моамизнинг тўрт очко оли-
шига ҳисса қўшди. Ҳужум-
чимиздан навбатдаги ўча-
шувларда ҳам ана шундай
натижаларни кутиб қоламиз.
Бохир БЕК

Қилмиш-қидирмиш

ТУНГИ ШАРПАЛАР

Кеч тушиб, Газлига тун ўз
сепини ёйган маҳал. Тун со-
килигини катта йўлдан
юрб келатган икки қора
шарпанинг қадам товуш-
лари ва ўзаро бақириб-чақи-
риб гапиришлари бўзарди.
Иккаласининг ҳам кайфи
тароқ, оёқ олишлари бежо.
Тунги шарпалардан бири
1986 йили Сурхондарё ви-
лояти Шўрчи туманида ту-
ғилган Эдуард Антипенко,
унинг шериги эса 1988 йили
Газли шаҳрида туғилган
Шухрат Абдурахмонов эди.
Уларнинг жиноят сари
қўйган қалтис қадамлари
ўртоғи Александр Түзовнинг
туғилган кунини нишонлаш-
дан бошланди.

Туғилган кун бахонасида
ароқдан тўйиб олган шерик-
лар ўзларини шердай ҳис
этишди. Кейин ўтириб ҳас-
ратлашди. «Бировлардан
қарзга нарса олиш жонга
тегди, кел оғайни, яхшиси
бирор-бир озиқ-овқат дўко-
нини ўмарамиз». Эдуард-
нинг маслаҳати нафси ҳақа-
лак отган Шухратга ёқиб
тушди.

Икки оғайни қоронғу тун-
да мактаб ёнида жойлашган
Жўраб Камоловга қараш-
ли озиқ-овқат дўкоининг
эшигини бузиб кириб, шип-
шидам қилиб кетишди. 45
турдаги 84 минг 775 сўмлик
озиқ-овқат маҳсулотини
ўмариб, жиноят жойидан
қочишди.

Газли шаҳар милиция
бўлими ходимларининг тез-
кор ҳаракатлари туфайли

жиноятчилар қўлга олиниб,
ўйрилган моллар эгасига
қайтарилди. Дўкон қайта
таъмирдан чиқарилди. Жи-
ноят кўчасига қадам қўйган
икки ёшнинг қилмиши жи-
ноят ишлари бўйича Роми-
тан туман судида қўриб чи-
қилди. Суд ҳукми билан суд-
ланувчилар томонидан етказ-
илган зарар ундириб оли-
ниб, 39 минг 350 сўм жари-
ма белгиланди. Ҳамтавоқлар
2-3 йил муддатга ахлоқ ту-
затиш ишларига ҳукм қилин-
ди.

Албатта, ҳеч ким онадан
жиноятчи бўлиб туғилмади.
Дунёга келган ҳар бир ин-
соннинг келажагига ота-она
умид билан қарайди. Қола-
верса, бола тақдирини, кел-
ажакни белгилашда улар
берган тарбиянинг нечоғли
аҳамият касб этиши барча-
мизга аён.

Катталарнинг бепарволи-
ги, болалар тарбиясига жид-
дий ёндашмаслиги оқибати-
да айрим ёшлар боши берк
кўчага қилиб қолади. Ҳаёт
бўсағасига энди қадам
қўйган бу ўсимларнинг тар-
биясига ота-она, қўни-
қўшни, маҳалла-қўй ўз вақ-
тида эътибор қаратишганда
бундай нохушликка йўл
қўйилмаган, жиноятнинг
олди олинган бўларди.

Раҳмат Тўлаев,
«Адолат» СДП
Ромитон туман
Кенгаши котиби,
Дилмурод ЖАББОРОВ,
«Адолат» мухбири

КИТОБХОНЛАР БАҲСИ

Бухоро шаҳридаги Абу Али ибн Сино номли вилоят
илмий универсал кутубхонасида «Энг яхши китобхон оила»
мавзусида анъанавий равишда ўтказиб келинаётган
кўрик-танловнинг вилоят босқичи якунланди. Унда тан-
ловнинг дастлабки босқичида голибликни қўлга киритган
китобхон оилалар танишув, тезкор савол-жавоб ҳамда
ўзлари мутаола қилган асарлари асосида тайёрлаган саҳ-
на кўринишлари орқали иқтидорларини намоиш этди-
лар.

Ҳайъат аъзолари ўз чиқишлари билан йиғилганлар ол-
қишига сазовор бўлган гиждувонлик Холмуродовлар оила-
сини биринчи ўринга лойик деб топдилар. Энди бу ки-
тобхон оила кўрик-танловнинг пойтахтда ўтказиладиган
якуний босқичида иштирок этиб, вилоят шарафини ҳимоя
қилади. Қорақўллик Хайитовлар оиласи иккинчи ўринни
қўлга киритди. Учинчи ўрин Бухоро туманида яшовчи Аб-
дуллаевлар оиласига насиб этди.

Танлов голиблари вилоят ҳокимлиги, Маданият ва
спорт ишлари бошқармаси ҳамда хомийларнинг қиммат-
баҳо совгалари билан тақдирландилар.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ


2005 йил — Сихат-саломатлик йили

Мамлакатимизда болалар соғлиғига бўлган эътибор кундан-кунга
ортиб бормоқда. Зотан, Ватан истиқболи келажак авлодларнинг маъ-
нан етук, жисмонан бақувват бўлишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам
соғлом турмуш тарзини яхшилаш, кундалик ҳаётимизни барқарор
қилиш асосий мақсадларимиздан.

Тошкентдаги 14-шаҳар болалар жарроҳлик касалхонасида ҳам
болалар соғлигини асрашга доир талай ишлар амалга оширилмоқда.

БОЛАЛАР СОҒЛОМ БЎЛСА

— 2005 йилнинг «Сихат-
саломатлик йили» деб
эълон қилиниши бизнинг
зиммамизга янада катта
масъулият юқлади, — дей-
ди касалхона шифокори
Абдумўмин Марқаев биз
билан суҳбатда. — Шифо-
хонамизда болалар соғли-
гини сақлаш учун режали
тадбирлар ўз вақтида ўткази-
либ бормоқда. Нафақат
шифохонамизда, балки ту-
манимиз миқёсида ҳам
аҳолига зарур тиббий мас-
лахатлар, тавсиялар бе-
ришда ходимларимиз ас-
тойдил фаолият кўрсатиш-
моқда. Чунки ҳаётимизнинг
давомчилари, келажакги
мизнинг эгалари бўлган бо-
лаларимиз ҳар томонлама
соғлом вояга етишлари
шарт. Бу каби тадбирлар
ни ўтказишда бош шифо-
коримиз Моҳиба Абидова-
нинг хизматлари катта.
Яқинда унинг сай-ҳаракат-
лари билан Япония гранти
асосида замонавий тиббий
асбоб-ускуналар олинди.
Дарҳақиқат, шифохонада



бўлганимизда беморларга
алоҳида эътибор кўрсати-
лаётганининг гувоҳи
бўлдик. Айниқса, ҳозирги
куз фаслида, одатда аппен-
дицит, ўткир ошқозон-ичак
касаликлари билан оғри-
ган беморлар сонини кўпая-
ди. Бундай пайтларда ши-
фокорлар масъулияти икки
ҳисса ортади. Беморлар

асосан болалардан иборат
бўлгани учун уларга қўрсати-
лаётганининг гувоҳи
бўлдик. Айниқса, ҳозирги
куз фаслида, одатда аппен-
дицит, ўткир ошқозон-ичак
касаликлари билан оғри-
ган беморлар сонини кўпая-
ди. Бундай пайтларда ши-
фокорлар масъулияти икки
ҳисса ортади. Беморлар

Дилноза ҚАМБАР қизи

АФАНДИНИНГ ЯНГИ САРГУЗАШТАРИ

ЎЙНАЙ
БУЗМОҚЧИМАН

Афанди болохонали уй
қурибди. Болохонасини бир
савдогарга сотиб, ўзи би-
ринчи қаватда яшай бош-
лабди. Қуналарнинг бирида
Афанди бошқа жойга
кўчмоқчи бўлибди ва сав-
догардан «пастки қаватни
сотиб олмайсанми?», дея
сўрабди. Савдогар рад жа-
вобини берибди. Афанди
унга ҳеч нарса демасдан
беш-олтита мардикорни
бошлаб келиб савдогарга
шундай дебди:

— Мен пастки қаватни
бузмоқчиман. Сен қулбан-
нинг ташвишини қил. Ке-
йин менга айтмади, деб
юрма.

Савдогар ноилоҳ паст-

ки қаватни Афанди айтган
баҳода сотиб олишга маж-
бур бўлибди.

МЕН ЭМАС, ОТИМ
ҚЎРҚАН

Афанди дўстлари билан
саёхатга чиқибди. Бир ман-
зилга етишганда, қарвон-
саройда тунабдилар. Эрта-
лаб Афанди ҳаммадан ол-
дин уйғониб, отига миниб
яна йўлида давом этмоқчи
бўлибди. Аммо, қанча ах-
тармасин, отлар орасидан
ўз отини таний олмабди.
Ҳамроҳларидан сўрагани
тортинибди. Ўйлаб-ўйлаб
охир овозининг борича
бақирибди:

— Қароқчилар! Қароқчи-
лар! Тезроқ қочинлар!
Ухлаб ётганларнинг ҳам-

маси тезда уйғониб, отла-
рига сакраб миниб олиб-
ди. Афанди ўзи ҳам қўрқиб
кейтибди. «Балки чинданам
қароқчилар келатгандир»
деб ўйлаб шовшганча отига
тескари миниб олибди.
Ҳамроҳлари буни қўриб
Афандини мазаҳ қилишиб-
ди.

— Эй афанди, — дебди
улар. — Ҳеч қандай қароқ-
чилар йўқ, сен эса қўрқан-
нингдан отингга тескари
ўтириб олинсан.

Афанди узоқ ўйлаб ўтир-
масдан жавоб қилибди.
— Йўқ, мен ҳечам қўрққан-
ним йўқ, отга ҳам тўғри
ўтирганман. Қўрмайсиз-
ларми, қўрққан мен эмас,
отим, унга ўтирганимда
қароқчилардан қўрқиб, тес-
кари туриб олган.

Телефонлар:

Қабулхона-136-53-14.
Факс: (8.371) 133-41-89.
Сийсат ва партия ҳаёти
бўлими-136-54-39.
Хатлар бўлими -
136-55-64.

Маънавият, адабиёт ва санъат
бўлими -136-55-64.
Иқтисодиёт ва саноат бўлими -
136-54-39.
Маркетинг ва реклама бўлими -
136-55-96.

Навбатчи муҳаррир — А. ОТАБОВ
Навбатчи — С.НОРБОВ
Мухасшир — М.НУРМАТОВА
Саҳифаловчи — Ж. ЖАББОРОВ

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

• «Адолат»дан қўриб
босиб фақат тахририй
руҳсати билан амалга
оширилади.
t — мажур белги остида
тижорат мақолалари чоп
этилмайди.

Буюртма Г — 600.
Ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қўғоз бичими А — 2.

«Шарқ» нашрийёт - матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 20.00
Босишга топширилди — 0.30

АДОЛАТ
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Муассис:
Ўзбекистон «Адолат»
СДП Сийсий Кенгаши

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан 016
рақами билан рўйхатга олинган.